

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 223 (10.528)

2005 ЙИЛ 15 НОЯБРЬ

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ — ИТТИФОҚЧИ ДАВЛАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 14 ноябрь куни расмий ташриф билан Россия Федерациясига жўнаб кетди.

Давлатимиз раҳбари сафар олдидан омивий ахборот воситалари мухбирларининг саволларига жавоб берди.

Президентимиз бу ташрифдан кутулаётган натижалар ва уларнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, жумладан, қуйидаги фикрларни билдирди.

— Бизнинг Россия Федерациясига, унинг пойтахти бўлиш Москва шаҳрига бу галги расмий ташрифимиз, ўйламанки, икки давлат алоқаларининг янги тарихида алоҳида ўрин эгаллайди.

Бу ташриф доирасида бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзолаш мўлжалланаётгани ўзаро алоқаларимизни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Бу шартномани тайёрлаш юзасидан ҳаракатлар бундан бир неча йил олдин бошланган эди. Маълумки, 2004 йил июнь ойида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзоланган эди. Бу шартнома бугун биз расмийлаштиришга бўлаётган иттифоқчилик муносабатлари йўлида муҳим қадам бўлган эди, десак, хато бўлмайди, деди мамлакатимиз раҳбари ўз фикрини давом эттириб.

Ўзбекистон билан Россия муносабатларини иттифоқчилик даражасига кўтаришга оид шартнома нималарни кўзда тутди?

Авалло, бу шартнома ўта муҳим ва масъулиятли масала - икки томонлама ҳарбий, ҳарбий-техникавий алоқаларни юқори ва ишончли асосда янада ривожлантиришни, Қуролли Кучларни барпо этиш, уларни кўрроллантиришда ўзаро кўмак ва ёрдам беришни назарда тутди.

Ўзингизга бир тасаввур қилинг: бу шартнома кучга кириши билан Ўзбекистонга қарши қаратилган ҳар қандай гаразли ва ёвуз ҳамла, бизнинг ҳудудимизга бостириб киришга бўлган уринишлар ўз-ўзидан Россияга қарши қўл кўтариш бўлиб ҳисобланади ва, табиийки, дунёдаги энг кумрали давлатлардан бири бўлиши бу мамлакатни бефарқ қолдирмайди. Ва бордию шундай ҳолатлар содир бўлса, икки давлат раҳбарияти бамаслаҳат тегишли қарор қабул қилиш ва зарур чоралар кўриш имконига эга бўлади, деб таъкидлади Ислам Каримов.

Кейинги йилларда бизнинг мамлакатимиз қандай хавф-хатарлар остида қолгани, бизга, бизнинг тинч ва осойишта ҳаётимизга қарши қандай ҳужурлар бўлгани барчамизга яхши маълум.

Бизни кўролмайди, аввало мустақил сиёсатимизни, осойишта ва барқарор ҳаётимизни барбод қилиш мақсадида уюштирилган қанчадан-қанча муҳим ва ёвуз ҳаракатлар, албатта, биздан тегишли чораларни кўришни талаб қилади.

Анджондаги фожеали воқеаларни уюштирган ёвуз кучлар ва уларнинг ҳомиёлари бугун ҳам тинчимасдан, халқро майдонда бизнинг шаънимизга қанчадан-қанча бўҳтон ва тўҳмат гаплар ёғдиришдан, қўпурчилик ҳаракатларидан чарчамаётгани - буларнинг барчаси доимо сезгир ва хушёр бўлишимизни тақозо этади.

Шу билан бирга, бугунги ўта таҳликали, айрим сиёсий кучлар эрвонлик билан ўз сўзини ўтказмоқчи бўлаётган замон биз-

дан ҳар томонлама ишончли давлатларга суяниш ва таянишимизни талаб қилмоқда.

Лекин ҳаммамиз бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимизни истардим: хавфсизлик масаласини фақат ҳарбий томондан мустаҳкамлаш мумкин, деб ўйлайдиган бўлсак, очик айтишимиз керак, бу бирёқлама қараш бўлади. Биз ўз хавфсизлигимизни ҳам иқтисодий, ҳам молиявий, ҳам маънавий томондан мустаҳкамлашимиз даркор.

Шунинг учун Ўзбекистон билан Россиянинг иттифоқчилик муносабатлари ҳақида гапирар эканмиз, ўзаро иқтисодий-молиявий муносабатлар, транспорт, савдо-сотик алоқаларимиз ҳажмини кенгайтириш, бу соҳаларда икки давлат тadbirkorлари, фирма ва компанияларига янги имтиёзлар бериш, ўзаро борди-келдиларимиз йўлидаги мавжуд тўсиқларни олиб ташлаш ҳақида фикр юритиш ўринли бўлади.

Ўйламанки, бу йўналишларда Россиянинг улкан ва беқиёс бозори, имконият ва салоҳияти ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ. Икки давлат ўртасида маданий алоқаларни, таълим, илм-фан соҳаларини, биз учун жуда муҳим саналган соғлиқни сақлаш, тиббий таълим муассасаларини ривожлантириш борасида ҳам ўзаро катта имкониятлар очилишини ўзимизга тасаввур қилишимиз кийин эмас.

Баъзи одамлар, бундай алоқалар эртага яна эски ҳолатга, яъни «катта ва кичик оға»лар ўртасидаги муносабатларга олиб келмасмикан, деган савол бериши мумкин. Шунинг ҳеч қачон унутмаслик кераки, бугун, энг аввало, замон ўзгарди. Бугунги Ўзбекистон ва бугунги Россия кечаги ҳолатдаги давлатлар эмас.

Ҳозирги пайтда ҳар қайси давлат - Ўзбекистон ҳам, Россия ҳам ўзининг узоқ ва давомли стратегик манфаатларини чуқур англаб, таҳлил қилиб, тенг ҳуқуқли алоқаларни ўрнатишни маъқул топмоқда.

Бугун ҳеч ким эски замонга қайтишни хохламайди. Биз ўн беш йилдан буюн мустақиллик шароитида яшаб келмоқдамиз. Ва халқимизнинг буюк ютуғи бўлиши истиклолимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиш. Эркинлик хавосидан тўйиб нафас олган одамлар қарамлик ҳолатига қайтишни асло истамайди. Бундан халқимизнинг кўнгли тўқ бўлиши керак.

Шу борада бир ҳақиқатни барчамиз яхши англаб олишимиз зарур. Фақат ўзини ҳимоя қилишга қодир, бунга имкон топган давлатнинггина келажаги ёруғ бўлади.

МОСКВА, 14 ноябрь. (ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОВЕВ хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 14 ноябрь куни расмий ташриф билан Россия Федерациясига келди.

Кремлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ўртасида яқма-яқка учрашув бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида савдо-иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий алоқаларга доир масалалар муҳокама қилинди. Президентлар ҳамкорлик кўламини муттасил кенгайтиб, савдо-иқтисодий алоқаларга доир кўрсаткичлар ошиб бораётганини, ушбу ташриф ўзаро алоқалар тарихидаги муҳим воқеа бўлишини таъкидладилар.

Владимир Путин Ислам Каримовни Россияга ташриф билан қутлар экан, ўзаро муносабатлар фаол ривожланаётганини қайд этди. Ўзбекистон Президенти мамлакатимиз Россия билан ҳар томонлама

равнақ топиб бораётган икки томонлама ҳамкорликни қадрлашни таъкидлади.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Россия алоҳида ўрин тутди. Тошкент ва Москва-нинг кўплаб халқро муаммоларга муносабати ўхшаш ёки яқин, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги қарар ва интилишлари муштарак. Ўзбекистон ва Россия барча соҳаларда ўзаро алоқалар кўламини кенгайтиришдан манфаатдор. Ана шу манфаатдорлик, шунингдек, ҳамкорликдаги ўзаро ишонч ва хурмат руҳи, икки давлат раҳбарларининг ўзаро самимий муносабати, кўпгина масалаларда фикрдошлиги 2004 йили Тошкентда Ўзбекистон билан Россия ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзоланишига асос бўлган эди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари ўртасида қарор топган олий даражадаги мулоқотлар ҳамкорликнинг янги қирраларини очиб, ишга солинмаётган имкониятларни кўриб чиқиш, долзарб халқро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият яратмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар кўп қиррали, ҳамкорлик барча йўналишларда ривожланиб бормоқда. Ўтган йили Президентлар етти марта учрашган эдилар. Россиядан Ўзбекистонга турли мақомдаги 32 делегация ташриф буюрди. Бу галги Москва музокараси эса сўнгги ярим йилдаги бешинчи икки томонлама учрашувдир.

Жумладан, мамлакатимизга Россия мудофаа вазири Сергей Иванов, ташқи ишлар вазири Сергей Лавров ташриф буюрди. Жиззах вилоятидаги «Форш» полигонда Ўзбекистон ва Россия қуролли кучларининг кўшма тактик акцияларнинг машқлари ўтказилди, Тошкентда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг мажлиси бўлди.

Ўзбекистон ва Россия сиёсий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаб, халқро майдондаги ҳамкорликни ривожлантиришда, ижтимоий-маданий, илмий, ҳарбий-техникавий соҳадаги алоқаларни кенгайтиришда.

Ислам Каримов ва Владимир Путин мулоқотида кўтарилган масалалар Ўзбекистон ва Россия расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида давом эттирилди.

Икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар халқ хўжалигининг қарийб барча тармоқларини қамраб олган. Ўзбекистон ва Россия ўртасида савдо-сотик, телекоммуникация, энергетика, сугурта, банк-молия соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда.

Мамлакатимизда Россия сармояси иштирокида тузилган 400 дан ортиқ кўшма корхона озиқ-овқат, дори-дармон, ёғочни қайта ишлаш, электротехника, қурилиш материаллари, машинасозлик сановатида, кўплаб бошқа муҳим соҳаларда фаолият кўрсатмоқда. Россияда Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган 267 кўшма корхона фаолият юритаётир. Ўзбекистоннинг кўплаб вилоятлари билан Россия субъектлари ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Ўзбекистонда Россиянинг 82 фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. 2004 йилда ўзаро савдо ҳамми 2003 йилдагига нисбатан 42,9 фоиз ошиб, қарийб 1 миллиард 642 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Мутахассислар жорий йил якунига кўра ўзаро савдо ҳамми 2 миллиард доллардан ошишини таъкидламоқдалар.

Давоми 2-бетда.

XVI Сағоси
Барча навалардан
олинган сўғат табири

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги га қарашли Эндокринология илмий-тектириш институтида илмий тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, олимлар, шифокорлар, талабалар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида эндокринологиянинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.

• 2004-2009 йилларда Мақтаб таълимининг ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ, келгуси йили Наманган вилоятида 28 та мактабни тўлиқ реконструкция қилиш ва 53 та мактабни тўлиқ таъмирлаш режалаштирилган.

• Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида Марказий Осиё давлатлари миллий ҳунармандлик ва халқ амалий санъати кўргазмаси бўлиб ўтди.

Жаҳонда

• Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра Францияда тартибсизликлар натижасида ўтган вақт ичида 5800 га яқин машина ёндириб юборилган, ёшларнинг безорилик хатти-ҳаракатлари маҳаллий сугурта компанияларига 200 миллион евродан ортиқ миблагга тушган.

• Владивосток шаҳрига бир вақтинг ўзида ер қуррасини мотоциклда айланб чиқиш ниятидаги козогистонлик Дмитрий Петрухин ҳамда худди шундай мақсадда Крымдан пилда йўл олиб, 15 миң километр масофани босиб ўтган Сергей Гордиенколар етиб келишди.

• Халқро космик станцияда фаолият кўрсатаётган икки нафар космонавт учун англиялик машҳур қўшиқчи Пол Маккартнинг концерти илик бор тўғридан-тўғри олиб кўрсатилди.

• Буюк Британияда жаҳон табиёти тарихида кузатилмаган воқеа рўй берди. 2002 йилда СПИД хасталигига чалинган глазголик 25 ёшли Эндрю Симпсон ҳеч қандай дори-дармонсиз ушбу оғир касалликдан фориг бўлган. Ҳар ҳолда табиий таҳлиллар унинг қонида хасталик аломатлари йўқлигини кўрсатган.

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ — ИТТИФОҚЧИ ДАВЛАТЛАР

Давоми. Боши 1-бетда.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида айниқса ёқилғи-энергетика мажмуидаги сармовий ҳамкорлик диққатга сазовордир. «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси билан «Лукойл» ва «Газпром» очик акционерлик жамиятлари ўртасида имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон нефть-газ сановатига 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдорига сармоя киритилишини кўзда тутди.

Иқтисодий доираларда бошқа кўплаб йўналишлар бўйича ўзаро манфаатли йирик лойиҳалар режалаштирилаётгани қайд этилди.

Музокараларда савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, экология ва, умуман, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида изчил мулоқотлар, яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Музокаралар чоғида Ислом Каримов ва Владимир Путин халқро таркилотлар, жумладан, Евросиё иқтисодий ҳамжамияти ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқалар билан боғлиқ масалаларни ҳам муҳокама қилдилар. Хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик мазгунга алоҳида тўхталдилар. Бу йўналишлардаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий йўналишлари аниқлаштирилди, алоқаларни кенгайтириш учун шароит яратилиши, самарали механизмлар ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентлар минтақавий ва халқро муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Музокаралар якунида Президентлар Ислом Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шунингдек, икки мамлакат Савдо-сановат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Россия Федерациясининг Наркотиклар айланганини назорат қилиш бўйича федерал хизмати ўртасида наркотик воситаларнинг, психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамда прекурсорларни назорат қилишда ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Маълумки, Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг октябрь ойида Санкт-Петербургда бўлган учрашувида мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Россия иттифоқчилик муносабатларини ўрнатиш учун имкониятлар етарли эканлигини ва бундай муносабатлар икки томон манфаатларига мос эканлигини таъкидлаган эди.

Президентимизнинг бу таклифи қисқа муддатда ҳаётда ўз инъикосини топди. Бу Ўзбекистон ва Россиянинг мақсад ва интилишлари муштараклигига яққол тасдиқдир. Ўзаро муносабатларга бундай мақом берилиши Ўзбекистон билан Россиянинг ҳамкорлиги стратегик шерикликдан юқори даражага кўтарилаётганидан нишондир.

Стратегик шериклик тўғрисидаги шартноманинг мантқиқий давоми бўлган мазкур ҳужжат икки мамлакат ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини иттифоқчилик тамойиллари билан мустаҳкамлайди. Шу тариқа Ўзбекистон ва Россия муносабатлари ўз тарихининг мутлақ янги даврига қадам қўймоқда. Москва учрашуви шартномаларимизни янги, янада мустаҳкам ришталар билан боғлади, дейиш мумкин.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома икки мустақил давлат ўртасидаги муносабатларни энг ишончли даражага кўтаришини, уларни қисқалтириш ва яқинлаштиришини таъкидладилар. Ислом Каримов бу ҳужжат нафақат Ўзбекистон билан Россиянинг муҳофаза соҳасидаги стратегик мақсадларига хизмат қилиши, балки ўзаро сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш имкониятларини очиб беришини қайд этди.

15 ноябрь куни Президент Ислом Каримовнинг «РУСАЛ» компанияси директорлар кенгаши раиси Олег Дерипаска билан учрашуви режалаштирилган. Ушбу компания нафақат Россия, балки жонхон алюминий базоридида катта ўрин тутди. Учрашувда Ўзбекистоннинг тегишли компаниялари билан «РУСАЛ» ўртасида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилади.

Пойтахтнинг бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА

● **БУГУН** Чилонзор туманидаги 162-мактабда туман хотин-қизлар кўмитаси, туман ФХД бўлими, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими, «Адолат» социал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорликларида ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирокида ўюштирилган тадбир «Конституция—Бош Коммунизм» деб номланди.

● **БУГУН** Миробод маиший хизмат кўрсатиш касбхона коллежидида Муҳаммад Мирзо ал-Хоразмий ҳамда Абу Наср Форобий таваллуд кунлари муносабати билан ўқувчилар ўртасида ўтказилган деворий газеталар кўрик-танлови «Маънавият ва маърифат» марказининг Миробод туман бўлими томонидан ўюштирилди.

● **БУГУН** Бектемир туманидаги «Нихол» спорт мажмуасида «Маънавият ва маърифат» маркази, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ЁИХ Бектемир туман бўлими ҳамда «Адолат» социал-демократик партияси туман Кенгаши ҳамкорликларида ўқувчи ёшлар ўртасида ташкиллаштирилган спорт мусобақалари Сихатсаломатлик йилга бағишланди.

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек туманидаги Файзулла Хўжаев маҳалласида туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида ўтказилган «Аёл ва дин» мазгундаги тадбирда маҳаллаларнинг хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этишди.

● **КЕЧА** Тошкент Давлат техника университетини қошидаги компьютер технологиялари академик лицейида талабалар иштирокида «Камолот» ЁИХ Собир Раҳимов туман Кенгаши томонидан «Етақчи ўзи ким?» мазгунда семинар ўтказилди.

● **БУГУН** «Камолот» ЁИХ томонидан Юнусобод туманидаги «Маҳалла умидлари» марказида туман ИИБ вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси профилактик рўйхатида турувчи ўсмир ёшлар иштирокида ўюштирилган давра суҳбати «Жиноятчиликнинг олдини олиш—давр талаби» деб номланди.

● **258-МАКТАБДА** ўқувчилар ўртасида «Нихол-2005» спорт мусобақалари ўтказилди.

● **«ЭШОНГУЗАР»** ва «Сузук ота» маҳаллалари ёшлар иштирокида Болалар ижодийи уйда «Камолот» ЁИХ Шайхонтоҳур туман бўлими қошидаги «Маҳалла умидлари» маркази ташаббуси билан «Тарихсиз келажак йўл» мазгунда кўрик-танлов ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

14 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги Давлат бюджетининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилиб, аввалги ўқишда билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда маромига етказилган лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Ушбу масала юзасидан молия вазири С.Раҳимов маъруза билан, Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг раиси А.Аҳадов қўшимча маъруза билан сўзга чиқдилар.

Савол-жавоблардан кейин мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати лойиҳаси атрофида муҳокама қилинди. Унда сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари иштирок этдилар. Сўзга чиққанлар кейинги йилги Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлигини, иқтисодиёт зиммасидаги солиқ юкнини изчиллик билан камайтиришга, солиқ солиш тартибини соддалаштиришга қаратилганлигини алоҳида таъкидладилар. Ҳужжатда мам-

лакатнинг иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантирилишига, изчил пул-кредит сиёсати ўтказилишига, миллий валютанинг мустаҳкамланишига, бюджет маблағларини белгиланган мақсадларда фойдаланилиши устидан назорат қилинишига қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш назарда тутилган.

Муҳокама чоғида, шунингдек, иқтисодиётнинг барча секторларида давлат харажатларининг самарадорлигини оши-

ришга ва оқилона мақбуллаштиришга, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ишчанлик фоллигини оширишга, хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама рағбатлантиришга, ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган рақобатбардош истеъмол товарлари билан тўлдирришга, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш муҳим эканлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси билдирилган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги Давлат бюджетини қабул қилди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДАДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 2005 йилнинг 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланаётган 15 нафар шахсга нисбатан кўзга-тилган жиноят ишининг бир қисмини ва дастлабки тергов якунларини кўриб чиқиш бўйича суд жараёни ниҳоясига етди.

Мазкур жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Бахтиёр Жамолов раислигида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари Воҳид Назаров ва Йўлчибой Турсунбоевдан иборат Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъати томонидан кўриб чиқилди.

14 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий судида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси (жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирishi), 155-моддаси (террорчилик), 159-моддаси (Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумига тажовуз), 242-моддаси (жиноий гуруҳ ташкил этиши), 244-моддаси (оммавий тартибсизликлар), 244-1-моддаси (жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига хавф туғдирувчи материалларни тайёрлаш ёки тарқатиши), 244-2-моддаси (диний экстремистик, ақиданарастлик ёки бошқа таъкиланган ташкилотларни тузиш, раҳбарлик қилиш, иштирок этиши), 247-моддаси (ўқотар қуроллар, ўқдорилар, портловчи моддалар ёки мосла-

маларни ноқонуний йўл билан эгаллаш), 132-моддаси (тарихий ёки маданий ёдгорликларни йўқ қилиш, вайрон этиш, уларга шикаст етказиши) ва бошқа моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбланаётган Мўйдин Собиров, Фарход Хамидов, Аваз Турғунов, Таваккалбек Хожиев, Алишер Ҳакимов, Фулом Нодиров, Азизбек Юсулов, Абдуобус Иброҳимов, Муҳаммадшокир Ортиқов, Илҳом Хожиев, Валижон Эргашев, Лочинбек Имонкулов, Жаҳонгир Бурхонов, Ҳусан Туропов ва Абдулҳафиз Фозиевга нисбатан суд ҳукми эълон қилинди.

Суд жиноят иши материалларини ҳар томонлама ва тўлиқ ўрганиб, судланувчиларни юқоридида кўзда тутилган жиноятларни содир этишда айбдор деб топди.

2005 йилнинг 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида террорчилик ҳаракатлари ва бошқа оғир жиноятларни содир этишда айбланаётган судланувчиларга нисбатан жаза чораларини белгилашда суд Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва жиноят қонунчилигида белгиланган инсонпарварлик ва адолат тамойил-

ларига асосланди.

Ҳусан, судланувчиларнинг содир этган жиноятлари учун чин кўнгилдан пайшаймон эканлиги ва жиноий қилмишларни фош қилишга фаол ёрдам берганликлари эътиборга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъати 15 нафар судланувчини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича айбдор деб топди ва М.Собировни - 20 йил, Ф.Хамидовни - 20 йил, А.Ҳакимовни - 20 йил, А.Юсуловни - 14 йил, Х.Туроповни - 16 йил, А.Фозиевни - 20 йил, А.Иброҳимовни - 17 йил, А.Турғуновни - 16 йил, М.Ортиқовни - 17 йил, Л.Имонкуловни - 14 йил, Ж.Бурхоновни - 14 йил, В.Эргашевни - 14 йил, Ф.Нодировни - 18 йил, Т.Ҳожиевни - 17 йил ва И.Ҳожиевни - 20 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Суд томонидан юқоридида кўзда тутилган жиноятлар тўғрисидаги таъкидланган моддий зарарни қоплаш тартиби белгиланди.

Шунингдек, мазкур жиноий иш бўйича судга раислик қилувчи томонидан судланувчиларга ва бошқа томонларга ҳукм устидан шикоят қилиш тартиби ва муддати тушунтирилди.

Ушбу очик суд жараёнини юздан зиёд чет эл ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари, шунингдек, дипломатик миссиялар ва халқро ташкилотлар вакиллари кузатиб борди.

Ў.А.



Истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан бозор иқтисодиёти ислохотларини кенг жорий этиш, жумладан, мамлакатимизда хусусий мулкчиликни тиклаш ҳамда анъанавий савдонини замонавий услуб ва воситалар билан бойитиш устувор вазифага айланди.

Шу пайтга қадар пала-партиш ҳолда иш юритиб келган бозорларимизни мутараққий жамиятга хос тартиб ва маданиятли савдо масканларига айлантириш ҳараъида уларга — бугунги замонавий қиёфасини, ҳуқуқий мақомини инobatга олган ҳолда — аниқ таъриф бериш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикасида бозорларда савдо фаолиятини ташкил этиш қондаларида «Бозор» тушунчаси шундай таърифланган:

Бозор — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган жойларда доимий ёки вақтинчалик асосда фаолият кўрсатадиган ҳамда савдо расталари, савдо ўринлари, турғун савдо шохобчалари, шу жумладан савдо павильонларидан фойдаланган ҳолда, эркин рақобат шароитида истеъмол товарлари кенг ассортиментининг чакана ва майда улгуржи олди-сотдиси учун зарур шарт-шароитлар яратишга мўлжалланган мулклик комплекси.

Бозорларда савдо-сотикни тартибга солиш, тушаётган маблағлардан самарали фойдаланиш механизмининг такомиллаштириш, чакана савдо соҳасида юридик ва жисмоний шахслар учун тенг шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида, биринчи навбатда, юртимиз бозорларининг мулклик мансуфлиги бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқлаштирилди.

Хусусан, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва етиштириш, шунинг транс-портда ташиш ва сотиш жараёнидан манфаатдор барча қатнашчиларнинг мол-мулки ҳамда маблағларини бирлаштириш асосида бозорлар негизини очик турдаги акционерлик жамиятлари ташкил этишга ўтилди.

Мамлакатимиз Президентининг 1996 йил 5 мартдаги «Бозорларнинг фаолиятини ташкил этиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармонида мувофиқ, аҳолини хилма-хил деҳқончилик, қорвачилик ва бошқа истеъмол товарлари билан таъминлаш, деҳқонлар ва бошқа сотувчилар тегишли савдо-сотикни амалга оширишлари учун зарур маиший шaroит яратиш, соҳада зарур тартибни таъминлаш ана шу акционерлик жамиятларининг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Тошкент шаҳрида ва бошқа йирик шаҳарларда ташкил этилган акционерлик жамиятларининг муайян уюшмаларга бириктириш тажрибаси ҳам амалиётда ўзини оқламоқда. «Тошбозортайёрловсавдо» — шундай уюшмалардан бири. Унинг тизимида 15 очик акционерлик жамияти, 6 масъулияти чекланган жамият мавжуд. Улар, ўз навбатида, пойтахтимиздаги 92 катта-кичик бозорни қамраб олган. Мазкур бозорлар эгаллаган майдон 140 гектарни ташкил этади.

«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмасидан олинган маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда уюшма тасарруфидagi бозорларда қарийб 26,5 минг савдо жойи бор. Улардан салкам 19 мингтаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси учун ажратилган бўлса, 5500 дан ортми озиқ-овқат маҳсулотлар билан

савдо-сотик қилишга мўлжалланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги «Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорига биноан пойтахт бозорларида гўшт, сут, балиқ, пазандалик, қандолатчилик маҳсулотлари билан савдо қилиш учун давлат санитария назорати талабларига мувофиқ махсус жиҳозланган ва ушбу маҳсулотларни сақлаш ҳамда сотиш шартларини таъминловчи турғун озиқ-овқат павильонларида 2 мингта ихтисослаштирилган савдо жойи ташкил этилган.

Ўтган даврда Тошкент бозорлари, хусусан, «Эски Жува», «Олой», «Юнусобод», «Бешёғоч», «Фарҳод», «Миробод», «Кўйлик», «Авиасозлар», «Аския» деҳқон бозорларида турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари савдосига ихтисослашган ўнлаб замонавий савдо мажмуалари қуриб фой-

ларни харид қилишга рағбати баланд эди. Бугун эса улар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни фахр билан сотиб олишмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар бераётган самаралардандир.

Ҳа, бугунги кунда шаҳримиз бозорларида яратилган имкониятлар жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари савдо мажмуаларидаги тартиб-таомиллардан асло қолишмайди. Барча бозорларимизда буюмларни сақлаш жойлари, гўшт маҳсулотларини майда-қадоклаш учун алоҳида хоналар, аравачалари ва тош-тарозини ижарага бериш пунктлари, радио тармоғи, ёнғинни ўчириш ва авария ҳамда favкулда вазиятларда аҳолини хабардор қилиш воситалари, маҳсулот сифатини текширишга ихтисослашган лабораториялар мавжуд.

Шунингдек, бозорлар худудида 36 сартарошхона, 19 фотосалон, 360 ўринли мехмонхоналар, 290 пойфазал таъмирлаш устанонаси, 18 соатсозлик устанонаси аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Ижарачилар, сотувчи ва харидорларнинг автотранспорт воситалари турадиган жойлар, умумий оқатлаш ва сервис хизмати кўрсатиш масканлари, тижорат банклари филиаллари, валюта алмаштириш шохобчалари ва бошқа зарур инфраструктура объектлари ишлаб турибди. Давлат солиқ ва ички ишлар идораларининг таянч пунктлари, божхона маслаҳатчилари хоналари ташкил этилган.

— Маданиятли савдо-сотик ривожланиб, хусусий тадбиркорлар фаолияти учун кенг шарт-шароитлар яратилаётгани турфайли бозорларимизда сифатли, ранг-баранг товарлар сони кўпаймоқда, — дейди харидор Шаҳзода Хонбўтаева. — Ҳалол рақобат шароитида мақбул маҳсулотни танлаб харид қилиш, ёқмаган буюмни белгиланган тартибда қайтариб топшириш ёки алмаштириб олиш имконияти ортанидан мамнуимиз.

Бошқа бир харидор — Александр Кимнинг айтишича, бозорлардаги барча турғун савдо дўконларида назорат-касса аппаратлари ўрнатилгани, пластик карточка орқали ҳисоб-китоб қилиш имкони яратилгани, кийим-кечак дўконларида кийимларни кийиб кўриш жойлари мавжудлиги, аксарият ихтисослаштирилган дўконларда маҳсулот ҳақида тавсия ва тушунча бериш йўлга қўйилгани — бу каби қулайликларнинг барчаси, биринчи навбатда, истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига йўналтирилганлиги билан эътиборга моликдир.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиёти муттасил ўсмоқда. Ушбу кўрсаткич жорий йилнинг 9 ойида 7,2 фоизни ташкил этгани ҳам шундан далолатдир. Бозорлар фаолиятини йилга яқинлашган йили даромадлар эса ҳар йили 10-12 фоизга ошиб бормоқда.

Иқтисодиётнинг юксалиши, бир томондан, бозорларнинг янада такомиллаштирилиши, уларда товарлар ва хизматлар тури кўпайиб, сифати яхшиланиши таъминласа, иккинчи томондан, диди ва талаб-эҳтиёси баланд харидорлар сафининг тобора ортиб боришида муҳим омил бўлади.

Шу маънода, бозорларимизни янада замонавийлаштиришга, уларни ободлик, тўқинлик ва фаровонлик кўзгусига айлантиришга йўналтирилган барча хайрли юмушларимиз наинки бугунги кун, балки эртанги кун нуқтаи назаридан ҳам фoyт аҳамиятлidir.

Ғулom MIP30,
ЎЗА шарҳловчиси,
СУРАТЛАРДА: пойтахтнинг «Олой» бозорини лавталар.
Муҳаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар.

ТЎКИНЛИК ВА ФАРОВОНЛИК КЎЗГУСИ

Бозорларимизнинг ихтисослашуви ва замонавийлашуви эл-юртимиз манфаатларига хизмат қилмоқда

даланишга топширилди.

Шаҳримиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун уюшма тизимидаги акционерлик жамиятларига қарашли савдо-харид қорхоналари томонидан йил бошидан буён салкам 3 миллиард сўмлик турли хил маҳсулотлар, шу жумладан, 2,6 минг тоннадан зиёд қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилди.


Натижа чакки эмас — пойтахт бозорлари акционерлик жамиятларининг жорий йил 9 ойи давомида олган яилли даромади қарийб 7 миллиард сўм, соф фойдаси эса 600 миллион сўмдан иборат бўлди.

Деҳқон бозорларида ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан чакана савдо фақат турғун савдо шохобчаларида, қатъий равишда назорат-касса машиналари ёрдамида амалга оширилди бошланганига икки йилдан ошяпти. Ўтган даврда махсус бозорлар туркуми — буюм бозорлари ва ихтисослашган бозорлар бунёд этилди. Эски «Ипподром», ҳозирги «Чилонзор буюм бозори» ана шундай мажмуалар орасида энг йирикларидан ҳисобланади.


— Реконструкция ва модернизация ишлари 2002 йилнинг сентябрь ойида бошланган эди, — дейди «Чилонзор буюм бозори»да савдо қилувчи хусусий тадбиркор Баҳодир Умаров. — Айни пайтда бозор худудида харидорлар ва тадбиркорлар учун барча зарур шарт-шароит, замонавий қулайликлар яратилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, бозорнинг 2540 савдо растасини ижарага олган тадбиркорлардан 1664 нафари экспорт-импорт операцияларини амалга оширувчи субъект сифатида, 876 нафари эса маҳаллий ишлаб чиқарувчи, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан тайёр маҳсулотларни олиб сотувчи субъект сифатида давлат рўйхатидан ўтган. Ушбу хусусий тадбиркорларнинг бир қунлик ўртача товар айланмаси 100-150 миллион сўмга етади.

— Бугун шаҳримизнинг қайси бозорига борманг, барчасида саранжом-сарийшталikka, савдо аҳли ва харидорлар учун зарур шарт-шароитлар яратилганига гувоҳ бўласиз, — дейди «Чорсу» буюм бозорида фаолият юритувчи хусусий тадбиркор Саодат Фаниева. — Бизни қувонтиратган яна бир янгилик — бозорларимизда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси босилган товарларнинг тобора кўпаяётганидир. Илгари харидорларнинг импорт товар-



"Кумуш қишдан, зумрад баҳордан, қолишмайди кузнинг зийнати". Хассос шоиримизнинг бу дилбар сатрлари шахримиз табиатиға хос уйғунлик касб этгани, юртдошларимиз руҳияти билан чамбарчас боғлиқ эканлиги аини ҳақиқат, албатта.



Ҳариси бор уйнинг париси бор, деганлар. Балки оила бошлиғи тирик бўлганда но-чор вазиятда қолган жувоннинг аҳоли бир қадар ижобий томонга ўзгарармиди, деган хаёл бизнинг ҳам шууримизни буткул забт этиб улгурганиди. Хат муаллифининг мулоҳазалари, аниқлаштирувлардан шу ҳақиқат аён бўлдики, ўзини "бейб" деб билган қайинсингиллар эндигина тушган келиндан "айб" топишган. "Айб"ки, бечора келиннинг

Тўққизмага ҳикоялар

ЭНДИ ШИФОХОНАДА ОВҚАТЛАНАМАН

Маҳалладагиларнинг етти яшаридан етмиш яшаригача Тоирни яхши танишди. Маҳалладошларига ҳаммадор уйи ёки "иномарка" машиналари билан эмас, кўпроқ ёлгончилиги, ваъдабозлигию хассислиги билан танилган Тоирни кўпчилик "Шум Тоир" деб чақиривади.

Утган йили қиш кунларининг бирида Тоир эрта билан ховлиға чиқиб қараса, шифернинг усти қалин қор билан қопланган. Егочларға оғирлик тушмасин, деган ўйда белкуракни олиб юқорига чиқади ва қорларни курай бошлайди. Туш яқинлашгани боис ошга қанча масаллик солишини сўрамоқчи бўлган қизи қараса, دادаси кўринмайди. Чунки бу хонадонда Тоирнинг руҳсатисиз қозонга ўт ёқилмайди, бирор нарса пиширимайди. Дадасини излаб-излаб томда эканлигини билган қизи қичқиради.

— Дадажон, пешинга ош қилмоқчи эдик. Қанча гуруч солайлик? Гўштлик

бўлсинми ёки... Кизига жавоб бериш ниятида орқасига ўгирилиб ўша заҳоти кулай бошлаган Тоир:

— Овқатни ўзларингизга етгулик қиларинлар, фақат гўштни кам солинлар. Мен энди шифохонада овқат ейман, — дермиш жон ҳолатда.

Тўра ИЛХОМОВ ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

Газетачилик бўзчининг моқисига ўхшаган соҳа. Журналист елиб-юғуради, тиниб-тинчимайди. Газета чоп этилиши учун навбатчилик қилиш эса муҳимроқ катта масъулиятни таътилади.

— Яқинда бир дўстимиз газет... оқ этилиши учун масъул навбатчиликка тайинланганда қизиқ воқеа рўй берди, — дея сўз бошлади Улугбек, — цехда кутиб ўтирса бошқа тахририятда ишлайдиган таниши келиб қолибди.

Ўз газетасининг навбатчиси бўлган таниш йигит билан дўстимиз газетанинг босмадан чиқариши кутиб роса хангомалашибди. Шу пайт чек ишчиларидан бири газетанинг "сигналний"сини кўтариб келиб дўстимизга узатибди.

— Ука, яхшилаб кўринлар. Бирор гап бўлса айтарсизлар. Шу тарика дўстимиз беш-ўн дақиқа ичида газеталарни синчиклаб кўздан кичирди. Шу кун уларнинг газетасида "Мудҳиш хато" сарлавхали мақола босилаётган экан.

— Жудаям зўр мақола, — ҳафсала билан имзо чекаркан, дўстимиз танишига дебди, — ўқиб чиқин.

— Тавба, "Мудҳиш хато" бунда нима ёзилган экан-а, — сўрабди таниши дўстимиздан.

— Яхшилаб ўқиб кўрсанг биласан, — дебдию, дўстимиз цехдан чиқиб кетибди.

Бир-неча дақиқа ўтар-ўтмас босмахона навбатчиси ичкаридан халлослаб югуриб чиқибди.

— Фалон газетанинг навбатчиси қани? — деб қичқирдибди ўтирганларга.

— Кетди. Нима эди. Жиддий хато бор эканми?

Навбатчи уларга қўлини силтаб ташқарига югурибди ва бироздан сўнг дўстимизни етаклаб келибди.

Маълум бўлишча, дўстимиз сўхбатга ҳаддан ташқари берилиб кетганиданми ёки чарчокданми, газетга "чоп этишга руҳсат" деб ёзиш ўрнига "Мудҳиш хато"

деб имзо чеккан, босмахона навбатчиси бунинг нимаси хато эканлигини билонмай хайрон бўлган экан.

Абзал ЖўРАЕВ

ОҒЗИДАН ГУЛЛАБ КЎЙДИ

Дилмурод қўшни маҳалладаги дўсти Олимжонниқига борди. Болаликдаги қадрдони бўлгани учунми, роса гурунқлашди. Гурунқ қизигандан қизиб ярим кеча булганини ҳам сезмай қолишди.

Олимжон унга: — Иил деганда бир меҳмон бўлиб келибсан, бир кеча минг кеча эмас. Ҳай-имда ётиб қола қол, — деди.

— Узр, оғайни, бормасам бўлмайди. Болаларим ёш, — кўнамади Дилмурод.

— Майлиқя. Аммо, ёлғиз ўзинг қандай кетасан, қабристон ёнидан ўтишни ўйладингми?

— Бир амалларман, — деди-ю Дилмуроднинг бадани титрай бошлади.

Хайр-маъзур қилиб секин йўлга тушди. Борлик ўзининг қоп-қора пардаси билан ўралган. Ҳали ой чикмаган. Жимжитлики чигирткаларнинг тинимсиз чи-

риллашуи итларнинг аҳён-аҳёнда ҳуришибуади. Дилмурод қабристонга яқинлашганда кимдир уни таққиб қилаётгандай туюлди. Аммо орқасига қарашга ботина олмади. Шип-шип этган қадам товушларидан юрагини ҳовучлаганча кўрқиб бораверди. Дилмуроднинг қадими тезлашса товуш ҳам тезлашади. Юзини совуқ тер босди. Ваҳима исканжасида қолди. Жон ҳолатда қоча бошлади. Шарпа ҳам ундан қолишмади. Ана шунда Олимжонниқиди ётиб қолмаганига афсусланди.

Ниҳоят, маҳалласига яқинлашди. Чирого ёниб турган биринчи симиёғ тагиға яқинлашганида ўзини анча босиб олди. Юришдан тўхтаб шаҳд билан орқасига қаради. Ҳеч ким йўқ. Йўлида дарвом этганиди, яна "шип шип" деган товуш эшитилди. Шунда Дилмурод бошидаги телпагининг ипи болгандай қолганини, товуш эса айнан бошидаги телпақдан келётганини сезиб қолди. Алам билан бошига бир урди.

Кизига, бу воқеани ўзидан бошқа ҳеч ким билмасди. Ёмони Дилмуроднинг ўзи меҳмонда улфатларига бу ҳақда маъмурдан гуллаб кўйди-ю лақаби "телпақ" бўлиб кетди.


Алишер МИРЗАЕВ

Яширишнинг хожати йўқ, ёшгина қизалоқлик пайтларимда олов исканжасида қолиб, аъзойи баданимнинг айрим жойлари куйиб қолган. Ота-онам қизимиз бахтсиз бўлиб қолмасин дея кўрсатмаган доктори, эмлатмаган табиб қолмаган. Бирок бандаси ҳарчанд уринмасин худонинг хоҳишидан бўлак бошқа чора тополмас экансиз. Шу тарика куйиш асоратидан анча-мунча фориг бўлсамда томоғимнинг остидаги чандиқни йўқотиш-

кўнглимизни ачиниш, тухмат ёшгина қизалоқлик пайтларимда олов исканжасида қолиб, аъзойи баданимнинг айрим жойлари куйиб қолган. Ота-онам қизимиз бахтсиз бўлиб қолмасин дея кўрсатмаган доктори, эмлатмаган табиб қолмаган. Бирок бандаси ҳарчанд уринмасин худонинг хоҳишидан бўлак бошқа чора тополмас экансиз. Шу тарика куйиш асоратидан анча-мунча фориг бўлсамда томоғимнинг остидаги чандиқни йўқотиш-

Ҳариси бор уйнинг париси бор, деганлар. Балки оила бошлиғи тирик бўлганда но-чор вазиятда қолган жувоннинг аҳоли бир қадар ижобий томонга ўзгарармиди, деган хаёл бизнинг ҳам шууримизни буткул забт этиб улгурганиди. Хат муаллифининг мулоҳазалари, аниқлаштирувлардан шу ҳақиқат аён бўлдики, ўзини "бейб" деб билган қайинсингиллар эндигина тушган келиндан "айб" топишган. "Айб"ки, бечора келиннинг

Хатлар — ҳаёт ойнаси



Мухтарам газетхон, орадан ўн ой ўтибдики, ҳамон сиз азизлардан "Хатлар ҳаёт ойнаси" саҳифасига мактублар келиб турибди, кунига бўладиган телефон қўнғироқлари ҳамда юзма-юз мулоқотлар ҳақида гапириб ўтириш ортиқча албатта, Демак, тахририят ходимлари сиз азизларнинг фикрларингизга қулоқ тутиб, мулоқот ўрнатиб аёна янглишмаган. Бу мулоқот, яқинлик газета саҳифаларида эълон қилинаётган материалларда ўз самарасини бермоқда. Янги газетамизда ижтимоий, маънавий, маданий ҳаётимизда ўз бераётган воқеалар хабарлар, мақола ва ҳақалар, тезкор янгиликлар шаклида ўз ифодасини топмоқда. Шуниси қувончлики, ушбу мактубларда шахсий ҳаётда юз берадиган ҳар хил воқеалардан тортиб, жамиятимизнинг турли тармоқларида кечаётган янгиликлар, ислохотлар ҳақида, мулоҳазалар, таҳлилий фикрлар билдирилади. Биз тахририят ходимлари эса демократия тамойилларида амал қилган ҳолда имкони борича сизлардан келаятган ушбу мактубларни газета саҳифаларида бериб борамиз. Ва ўйлаймизки, бу ҳамкорлик бундан кейин ҳам давом этади. Дарвоқе, азиз газетхонлар, сизларга шуни эслайтиб ўтамизки, газетамизни мунтазам ўқиб бориш, фикр-мулоҳазаларингизни билдириш. Кейинги йилда "Тошкент оқшоми"ни газета дўконидан қидириб юрмайсиз, десангиз, газетамизга обунга бўлинг. Бугун эълон қилинаётган мақолалар ҳам сиз азизлардан келган мактублар асосида таянганди. Сўзимиз якунида ҳар бирингизнинг хонадонингизга тинчлик, хотиржамлик, соғ-саломатлик тилаган ҳолда Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, "Тошкент оқшоми" газетаси тахририятига мактуб йўллаган, 136-55-83 рақамли телефонга сим қоқинг, деймиз.

Шахсий фикр

МУТАСАДДИЛАР ЎЙЛАБ КЎРИШАР

Мустақиллик шарофати билан шахримиз қиёфаси тубдан ўзгариб ўзгача чирой очмоқда, кенг ва раван кўчалар, осмонлар бинолар қурилмоқда. Шунинг қувонч билан таъкидлаш лозимки, одамлар гажвум худудлар — истироҳат боғлари, бозорлар ҳам қайта таъмирланиб, аниқлари бунёд этилиб, кўнгиллари қувнатмоқда. Аммо...

Ҳамма гап ана шу «аммо»да. Келинг, гапни кўп чўзмай, индаллосига ўта қолайлик. «Кўйлик» деҳқон бозорига борманг одам шахримизда кам топилади. Ҳақиқатан ҳам бу бозор обод, лоф бўлмасину бу ердан анқонинг уругини ҳам топиш мумкин. Маҳсулотларнинг нархи ҳам бошқа бозорларга қараганда анча арзон. Дарвоқе, «Кўйлик» деҳқон бозори бунёдкорлар томонидан янгича қиёфа касб этгани, эски бозор ўрнида замонавий русумдаги бозор бунёд этилгани кишини қувонтиради. Хуллас зарурат туйғали ушбу бозорга кирдим. Айтганча, бозорлар ҳақида гап кетганида санитария тармоқларининг ҳам яхшиланганини, озода ҳолга келтирилганини айтмасак инсофдан бўлмас. Аммо, бозорлардаги санитария тармоқларида аҳолига пуллик хизмат кўрсатилади. Бунинг ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг талаби эканлигини тушуниш мумкин. Лекин,

ана шу пуллик хизматни ноғиронларга, пенсионерларга қўллаш шартмикин? Жуда бўлмаганда имтиёзли хизмат турини жорий этса бўлади-ку. Каминанинг пули камлиги учун «Кўйлик» деҳқон бозори санитария тармоғига кириштирмади. Хурматли тахририят ходимлари, бу борадаги менинг шахсий фикрим қуйидагича. Маданият ва истироҳат боғлари, бозорлар, хиёбонлардаги санитария тармоқлари хизматини янада яхшилаш учун энг аввало, санитария тармоғига тўланадиган пул ноғиронлар, пенсионерлар учун имтиёзли нархда белгиланиши, физматдан фойдаланмоқчи бўлган фуқарога чипта берилиши шарт. Ана шунда санитария тармоқлари хизматлари пулни ҳамёнларига ура олмайдилар, аксинча давлатга топшириб, маълум физицино маош ўрнида олишлари мумкин. Бу фикримни мутасадди ташкилотлар ўйлаб кўришар деб умид қиламан.

Усмон РАХИМОВ,
Юнусово тумани, меҳнат фахрийси

... тақлиф қилади

ТИЛ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК

Ассалому алайкум ҳурматли тахририят ходимлари. Кейинги вақтларда мен хизматларидан фойдаланаётган 65,82,85-ўналишлардаги "Мерседес" автобуслари салоҳида "Бу Автобус Халқ мулки-асрайлик" деган ёзув (шиор) пайдо бўлиб қолди. Ёзувни мен қандай ёзилган бўлса, шундайлигича келтириб ўтдим. Шиор жуда ўринли ва ўз вақтида пайдо бўлган, бирок диққат билан қаралса, ўзбек тилини ўрта мактаб дастури ҳажмида билувчи одамга ҳам бу жумла сал галлорқ кўринадди.

... миннатдорчилик билдиради

ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЕТАРЛИ ЭКАН

Истиқлол шарофати ила мен каби қарияларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор диққатга сазовор. Тан олишимиз лозим, авваллари қариялар учун алоҳида сихатгоҳлар ва санаторийлар йўқ эди ҳисоби. Буни қарангки, Юнусовод туманида қад ростилаб "Нуронийлар" оромгоҳи айна биз кексаларнинг кўнглидаги иш бўлган

Газетхон ёрдам сўрайди

МУАММОГА КИМ ЧЕК КЎЯДИ?

Бундан бир неча йиллар муқаддам "Тошиссиқликкувати" ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан биз истиқомат қилаётган Мирзо Улугбек туманидаги «Олтинтепа-5» маҳалласи, Ҳусанбоев номидаги 1-тор кўчада иссиқлик қувурларини олиб ўтиш мақсадида кенг қамровли ишлар тайрланган бўлган юборилган эди. Кўчамиз кавла-кавла бўлиб маълум масофада қувурлар ётқизилгандек ҳам бўлди. Лекин, негадир кўп ўтмай, шоиолинч равишда чқурликлар кўмилди-ю қувурсозлар гоийб бўлди.

Яхши ният билан бошланган хайрли иш охиригача етказилмай қолгани айна пайтда кўчамиз аҳолисига ташвиш орттириб келмоқда. Чунки эндиликда асфальти кавлаб ташланган кўчамиз қаровсиз, автотранспорт воситалари ҳаракати учун деярли яроқсиз ҳолатда. Хайрли иш бошланган пайтда кўчамизга олиб кирилган оғир техникалар йўлимизни ўнқир-чўнқир, тупроқ йўлига айлантириб қўйгани туйғали ёнгарчиликлар пайтида минаналар у ёқда турсин, ҳатто пиёдаларнинг юриши ҳам амри маҳол. Кизиги, ишчилар, «йўлни таъмирлаб берамиз», дея ваъда беришган бўлишса-да, ҳозирча ваъда ваъдалигича қолиб кетмоқда. Ҳатто тегишли идораларга қилган мурожаатларимиз ҳам наф наҳардан белгиланиши, физматдан фойдаланмоқчи бўлган фуқарога чипта берилиши шарт. Ана шунда санитария тармоқлари хизматлари пулни ҳамёнларига ура олмайдилар, аксинча давлатга топшириб, маълум физицино маош ўрнида олишлари мумкин. Бу фикримни мутасадди ташкилотлар ўйлаб кўришар деб умид қиламан.

Назаримизда бу аҳволдан хабардор бўлишсада, "Тошиссиқликкувати" ишлаб чиқариш корхонаси, Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси ва "Тошшаҳарнур" Давлат унитар корхонаси негадир эътиборсизлик қилиб келишмоқда.

Сардор КАРИМОВ

Хидирали ПАНЖИЕВ

Абдуқаҳор МУТАЛОВ,
хўқулунов

Бизга жавоб берадилар

КАМЧИЛИКЛАР БАРҲАМ ТОПАДИ

"Тошкент оқшоми" газетасининг 2005 йил 30 сентябрдаги «Зийрак бобо шаҳар кезади» руқни остида эълон қилинган «Бу ҳам лоқайдликми?» деб номланган мақолада айрим камчилик ва муаммолар танқид остига олинган эди. Жумладан, табиатни асраб-авайлаш, тозалikka риос қилиш ўрнига айрим ҳолларда фуқаролар томонидан дарахтларга мийх билан ўйиб ёзилаётгани ёки тахта қоқиб эълонлар битилаётгани ҳақида сўз боради. Қуйида эътиборингизга ушбу танқидий мақола юзасидан Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси бошқарувчисининг ўринбосари Аъзам Ризашов томонидан тахририятга йўлланган жавоб хатини эълон қиламиз.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, "Тошкент оқшоми" тахририяти ходимлари табиатни асраб-авайлаш, экологининг софлиги учун курашиш лозимлиги ҳақида тез-тез долзарб мақолалар ёзиб туришади. Қувонарли томони, бу борада мутасадди ташкилотлар томонидан бажарилаётган ишлар ўз аксини топса-да, айрим ҳолларда юз бераётган камчиликлар ҳам танқид қилинади. Жумладан, 30 сентябрь кунини «Зийрак бобо шаҳар кезади» руқни остида чоп этилган «Бу ҳам лоқайдликми?» мақоласида келтирилган далиллар жуда асосли. Ушбу мақола Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси йиғилишида муҳокама қилинди. Ходимларга дарахтларга қоқиб қўйилган ҳар хил эълонлар ва кўрсаткичларни олиб ташлаш бўйича кўрсатма берилди. Ва шунингдек, ушбу эълон ва кўрсаткич эгалари иштирокида тушунтириш ишларини олиб бориш таъкидланди. Ўйлаймизки, газетада кўтарилган ушбу камчиликлар тез орада барҳам топади.

Ақбар НАБИЕВ,
меҳнат фахрийси

— «Тошкент оқшоми»нинг деярли қирқ йиллик муҳлисими. Газета ташкил этилгандан бери уни мунтазам ўқиб, кузатиб бораман. Ўзим ҳам театр, драматургия ва санъаткорлар ҳақидаги мақола ва ҳикояларим билан унга қатнашиб тураман. «Оқшом» саҳифаларида босилган мақолаларнинг барчаси тўпланса шубҳасиз катта бир китоб бўлади. Уларнинг баъзилари эса турли йилларда нашр этилган тўпламларимга ҳам киритилган.

Тахририят билан дўстона алоқа боғлаганим учун бўлса керак, йиллар давомида «Оқшом»да ишлаб кетган ва ҳозирда ҳам шу ерда қалам тебратаетган журналистларни яхши танийман. Баъзан бир пиёла чой устида улар билан гурунглашиб қоламиз. Ёзилган мақолалар устида баҳс юри تامиз. Нав-батдагилари учун режа тузамиз.

«Оқшом»нинг биринчи сони қандай қанот қочқани ҳамон эсимда. 1966 йилнинг 1 июль куни кечки пайт шахримиздаги газета дўконларининг олди ниҳоятда гавжумлашиб кетганди. Мухлислар «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг дастлабки қалдирғоч сони билан танишиш истагида нав-батга қатор тизилишган эди. Албатта, эндигина дунё юзини кўраётган газетанинг тиражи унча кўп бўлмагани учун ким газетани харид қилар, кимгадир етмасди. Мухлислар сони эса кун сайин кўпайиб борарди, газета қўлма-қўл эди. Битта газетани навбатма-навбат бир нечта киши ёки бир нечта оилалар ўқийдиган кунлар бўлган.

Дарвоқе, гап газетанинг биринчи сони устида бораётган эди. Ушбу сонда ўқувчилар сеvimли ёзувчимиз Ойбек, публицист Воҳид Зоҳидов, ёзувчилар Саид Аҳмад, Худойберди Тўхтабоев, шоирлар Султон Акбарий, Қуддус Муҳаммадий ва бошқаларнинг мақолалари, шеърлари, ҳажвий ҳикоялари билан танишишга муюсар бўлишганди. Айниқса, академик шоиримиз Ғафур Ғулломнинг «Тошкент оқшоми» ҳақидаги мақоласи газетхонлар эътиборини қозонганди.

«Оқшом»нинг довуғи бутун республикага тарқалди. Хатто уни кўшни қардош республикаларда ҳам севиб ўқишадиган бўлишди. Ушунда зилзила мавзуси газетанинг бош мавзусига айланганди. Шоир ва ёзувчилар, умуман адабиёт ахлининг диққат-эътибори ҳам баҳамжиҳат халқнинг шу мардонворлик фазилатига қаратилди. Уша кезлари тезкорлик билан яратилган қанча-қанча публицистик мақолалар, давр қаҳрамонлари ҳақидаги очерклар, қисса, ҳикоя, баллада ва достонларнинг кўпчилиги ҳали-ҳамон оғиздан оғизга кўчиб юради. Ҳозирги озод ва обод юртининг болаларига ота-боболари кўрсатган жасоратлари уларнинг юртга бўлган фидойилигидан дарак беради. Эсимда, ушунда ўзбекининг қадрли шоири Эркин Воҳидовнинг «Палаткада ёзилган достон»ни қўлма-қўл бўлиб кетганди.

«Оқшом» газеталари эса шаҳар ҳаётини изчил ёритар, пойтахтда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларидан ўқувчиларни хабардор этиб туради. Айниқса шу кезларда газета матбуотнинг илғор жанри бўлган репортаж ва лавҳаларга кенг ўрин берганди. Тошкентнинг барча жойларида амалга оширилаётган қурилишлар, фойдаланишга топши-

рилган бинолар, шаҳарга келаётган биродарлик ёрдамлари, янгидан-янги пайдо бўлаётган даҳа ва мавзелар, бу ерда олиб борилаётган ободчилик ишлари газета муҳбирларининг назаридан четда қолмасди. Шу билан бирга газета танқидий мақола ва фельетон жанрига ҳам кенг ўрин берганди. Бу мавзуларда даврининг муаммолари, юз бераётган камчиликлар, хайрли ишдан четда қолаётган баъзи ташкилот ва шахслар кескин танқид остига олинарди.

Ушбу битикларни ўқиган баъзи ўқувчиларни мендек бир санъаткорнинг «Оқшом» ҳақидаги бунчалик аниқ маълумотларга эга бўлишим таажжубга солиша ҳам мумкин. Ким билсин балки ушбу газетанинг ҳақиқий муҳлиси бўлганим учун ўша кунлар ёди фикри-шуурида муҳрланиб қолгандир. Балки тахририят бит-

Ҳикоя, тақдирлар

«ОҚШОМ»НИНГ ЎТГАН КУНЛАРИ ЭСДАЛИКЛАР

лан яқин алоқам, журналистлар билан ҳамкорлигим бунга сабабдир.

Бугунги кунда давримизнинг илғор нашрларидан бирига айланган, қирқ йиллик тўйини нишонлашга чоғланган сеvimли газетам «Оқшом»га бундан кейинги фаолиятида ҳам улкан зафар ва юксак парвозлар тилайман.

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ артисти.

— «Тошкент оқшоми» газетасининг саргайиб кетган саҳифаларини ва рақлар экансиз, йиллар давомида пойтахтимизда рўй берган воқеалар кўз олдингиздан бирма-бир ўтади. Шу жиҳатдан газета саҳифаларини ҳақли равишда 1966 йилги зилзиладан сўнг қайта тикланган нон шаҳри, дўстлик ва қардошлик шаҳри, тинчлик шаҳри Тошкентнинг жонли солномаси деса бўлади. Даҳшатли зилзила минглаб тошкентликларни бошпанасиз қолдирди, шаҳар ҳўжалигига улкан зарар етказди. «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг дастлабки сони ана шундай оғир дамларда муштарийлар қўлига тегди.

Шаҳарни қайта тиклаш учун қаҳрамонона кураш бошланди. Ана шу кўлами жиҳатидан бекиёс бунёдкорлик меҳнати, тошкентликларнинг жасорати ва матонати газеталарнинг асосий мавзуси бўлиб қолди. «Дўстлик шаҳрини бунёд этамиз», «Шаҳримиз ғўзал ва кўкаламзор бўлсин», «Мамлакат — Тошкентга», «Ҳар бир тошкентлик — қурувчи» рунклари газета саҳифаларидан мустаҳкам ўрин олди. Уша кезларда газета воқеа ва ҳодисаларни ҳовури кўтарилмай пешма-пеш ёритиши, ўқувчилар дилидаги мавзуларни топиб ёзиши билан ўз муҳлислари меҳрини қозонди, уларнинг қалбига кириб борди. Газетанинг «Оз-оз ўрганиб, доно бўлур», «Одамлар орасида», «Ибратли ҳикоятлар», «Саломатлик ҳақида суҳбатлар», «Саксон ота шаҳар кезади» рунклари остида бериладиган мақолалари ўқувчилар эътиборини тортди.

«Оқшом» тахририятида Ўткир Хошимов, Хайдарали Иброҳимов, Марва Жалолитдинова, Максим Каримов, Хайитбой Ҳакимов, Абдуса-

мад Обидхўжаев, Усмон Юсупов, Турғун Авазов, Нўъмон Раҳимжонов, Абдулла Пўлатов, Алиназар Эгамназаров, Насриддин, Муҳаммадиев қилиб ёзувчи ва шоирлар, истеъдодли журналистлар қалам тебратилди.

Албатта ҳар бир газета ва журнал мавқеини унда ишлаётган журналистларнинг нақадар билимдон ва моҳирлиги белгилайди. Ана шундай ижодкор бирор нашрнинг дарғаси бўлса, бу ана шу нашр учун қўшалоқ бахтдир. Шу жиҳатдан олганда «Оқшом» газеталарининг омади қулиб боққан деса бўлади. Унга йиллар давомида тажрибали ва иқтидорли журналистлар муҳаррирлик қилишди. Уларнинг ҳар бирининг газета саҳифаларида ўчмас изи бор.

«Оқшом» газеталарини ҳеч муболагасиз журналист кадрлар ўчоғи деб аташ мумкин. Шу ерда маҳорат мактабини ўтаган қанча-қанча қаламкашлар бугунги кунда турли газета ва журналларда, нашриётларда, радио-да самарали меҳнат қилишяпти. Улар қаторига Бобохон Шарипов, Мурод Абдуллаев, Муҳаммадвали Муродов, Исмоил Фаттоҳов, Абдурашид Нормуродов ва бошқаларни киритиш мумкин.

Газетанинг муштарийлар билан алоқаси йилдан йилга мустаҳкамланиб борди. Бунга «Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоб беради» саҳифалари, «Оқшомхонлар учун учрашув», «Сўраган экансиз» рунки остидаги мақолалар катта ёрдам берди. «Дам олиш оқшомида» саҳифалари, «Одобнома», «Оила даврасида» ва «Турмуш чорраҳаларида» рунклари остида бериладиган мақолалар газетхонлар эътиборини ҳамон қозониб келмоқда.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, «Оқшом» газеталарида ишлаш осон эмас. Бунинг боиси газеталар оқшиб этилаётганда уларнинг икки тилда мустақил нашр этилиши кўзда тутилмаган эди. Улардан бири асосий бўлиши, иккинчиси эса асосий газетанинг таржимаси бўлиб чиқиши мўлжалланган, шундан келиб чиқиб, ходимлар штати берилган эди. Ўзбекистон пойтахтида асосий газета қайси тилда чиқиши лозим, деган масала кўндаланг бўлиб қолди. Иккинчидан, ўзбекларга хос мақолаларни русларга, русларга хос мақолаларни ўзбекларга тикиштириш ҳам адолатдан бўлмасди. Шундай қилиб, биринчи муҳаррир Саъдулла Кароматовнинг саъй-ҳаракати билан ҳар иккала газета мустақил чиқа бошлади. Ходимлар штати эса ўзгармай қолаверди. Бу деган гап «Оқшом»чиларнинг ҳар бирига бошқа газета ходимларига нисбатан икки баравар кўп меҳнат қилишга тўғри келади.

Йиллар давомида «Оқшом» нур сочиб, хонадонимизни илм-маърифат нури билан чароғон қилиб келди ва бундан кейин ҳам нур сочаверади. Бунга ҳамон садоқат билан шу тахририят сафларида газетанинг бош муҳаррири Акмал Ақромов етакчилигида қалам тебратаетган Абдулла Сулаймонхўжаев, Дилшод Исроилов, Маҳмуд Комилжонов, Очил Ҳазратов, Шарифа Илёсова, Дилором Икромова, Шоира Муҳамедова, Акбар Йўлдошев, Ильмира Зайнутдинова, Муҳаббат Ҳабибуллаева, Гулчехра Дурдиева, Орзугул Рустамова, Хидирали Панжиев, Шахло Ҳошимова сингари журналистлар қафолат бера олади.

Абдугани АБДУЛЛАЕВ,
собиқ «Оқшом»чи.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Айтидилар:
— Ақлли одам етти хил киши билан ўзаро маслаҳатлашмайди. Улар нодон, душман, ҳасадчи, ёлгончи, кўрқоқ, бахил, нафсига беурирган кишилардир. Чунки нодон йўлдан адаштиради.

**Ҳар киши ўз ақлидан огоҳ бўлар,
Ўзидан гумроҳ бўлар!
Душманинг эса сенинг зарар топишингни ўйлайди.**

**Ҳар киши ўз душманини кучсиз санар,
Бир куни кучли зиёнидан ёнар!**

Ҳасадчи эса бор-шудингдан ажралишингни истайди:

**Ким ҳасад қилса бировнинг молига,
Охири бўлмай анинг вой ҳолига!**

**Ёлгончи эса сенингни бузиб кўрсатади.
Кимки ёлгон сўзласа ризки кетар,
Бир куни ёлгон сўзи бошга етар!**

Кўрқоқ эса дадилликдан қайтаради. Бахил эса бойлик тўплашга хирсманд бўлади ва ундан бировга фойда етмайди:

**Молу ҳўнинг аслида душман эрур,
Зоҳиран боқсанг неча равшан эрур!**

Нафсига берилган киши ҳою ҳаваснинг асрини билли нафс тўридан қутулишга кучи етмайди:

**Меҳнатинг бирла нафсга бер жазо,
Қилмасин токи балога мубтало!**

● Айтишларича, гашто-сиб кунлардан бирида ўз ватанидан айрилиб, Қўстантания шаҳрига келиб қолди. Унинг ёнида бир тийин ҳам пули йўқ эди. Ёйишга нарса тополмай, оч қолди. Бировдан сўрай деса, иззат-нафси йўл қўймас эди. Унинг ёнида ёйишги тушди. У болалик пайтида мактабга бораркан, йўл четиде жойлашган темирчи дўкони олдида бир оз тўхтаб, темирчиларнинг пичоқ ва болта ясашларини томоша қилар эди ва унинг сиридан бир мунча воқиф бўлиб қолган эди. Гашто-сиб кўп ўйлаб ўтирмай темирчилар олдида борди ва уларга деди:

— Ёй биродарлар, мен ҳам темирчилик сиридан анча хабардорман, мени ҳам ўзларингга шерик қилиб олсаларингиз.

Темирчилар рози бўлишди. Гашто-сиб бир неча муддат ишлаб пул йиғди. Сўнг ватанига қайтиб борди. У мартабага эришган пайтида барча ёшу қарини касбу хўнар ўрганишга даъват қилди. Болаларни кўнинг аввалида ўқитиб, иккинчи қисмида хўнар ўргатишга фармон берди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — УСТУВОР ВАЗИФА

Меҳнат аҳлининг манфаатларини ҳимоялаш қасаба уюшмалари фаолиятининг бош йўналишидир.

М.Турсунқўжаева номидagi тиббиёт коллежимизда ҳам жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга, жисмоний соғлом ва маънавий бой ёш авлодни тарбиялашга, жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга ҳамда ўқитувчилар ва ўқувчиларни ижтимоий муҳофаза қилишганалтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Соғлом турмуш тарзини, ўз ҳаёт фаолиятини оқилона ташкил қилиш борасида гуруҳларда маънавий соатлари, коллеж микросида спорт мусобақалари ташкил этилган. Она ва бола соғлигини мустаҳкамлаш, репродуктив саломатлигини яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш ва оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалалари кенг ёритилмоқда. Ахборот технологияси ва электрон дарсликлардан фойдаланилган ҳолда лойиҳа ва тадбирлар амалга оширилмоқда.

Пенсионерлар ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашга, санаторий-профилакторийларда даволанишига эътибор қаратилмоқда, коммунал-мушйи хизмат кўрсатишини яхшилаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Мустақиллик байрами муносабати билан пенсионерларнинг ҳар бирига 20000 сўм миқдорида мукофот пуллари топширилди. Шу билан бирга талабалар орасидаги кам таъминланган оилалар фарзандларига, ота-онаси йўқ талабаларга коллеж маъмурияти томонидан жами бўлиб 340 минг сўм миқдорда моддий ёрдам пули ажратилди. Ота-онаси йўқ талабаларга ҳар ойда стипендия бериш жорий этилди. Энг кам иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда коллежиз ходимларига ҳам мукофот пуллари ҳамда моддий ёрдам пуллари ажратилди, мукофот пуллари бир миллион 790000 сўмни, моддий ёрдам пуллари эса бир миллион 775000 сўмни ташкил этди.

Коллежимизда ёшларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида уларга ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиб, билли олишлари учун керакли шарт-шароитлар яратилди. Хоналар зарур ўқув куроллари билан жиҳозланди.

Мунаввар ХОНКЕЛДИЕВА, М.Турсунқўжаева номидagi тиббиёт коллежи қасаба уюшма кўмитасининг раиси

“Шарқ халқлари хаста дилларга завқ-шавқ улашади. Ночорларни камситмайди... Бундай тангиллики жуда кам жойларда учратиш мумкин...” Узига хос маъно кўлами билан қалби кўёш тафтидан-да ҳароратли ҳалқимиз умумменталитетига муносиб баҳо сифатида жаранлаган бу сатрлар XVI аср Фарб драматургиясининг пешқадам вакили Христафор Марло қаламга мансуб.

2005 — Сўҳат-саломатлик йили

БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДА

Дарҳақиқат, турон замин халқларига хос эзгу фазилатлар силсиласи ноёб ёмби мисоли бугун ҳам давом этиб келаётгани ҳар қандай кишини қувонтиради. Айниқса, Мустақилликка эришганимиздан сўнг бу масалаларга эътибор янада кучайди. Хусусан, кейинги пайтларда қабул қилинаётган бир қатор меъёрий ҳужжатлардан моддий ва маънавий кўмакка мўҳтож қатламларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган махсус бандларнинг ўрин олганлиги фикримизнинг аққол исботидир. Шу маънода бундан бир неча йил аввал ташкил топган “Soghlomlashtirish” нодавлат нотижорат миллий маркази ана шу эзгу мақсадларнинг ижобатини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб келаётганлигини таъкидлаш мумкин. Марказ томонидан уюштирилган ҳар бир учрашув жисмоний имкониятлари чекланган болажонлар, кексалик гаштини сураётган ота-

хону онахонлар учун чинакам байрамга айланб кетади.

Куни кеча “Сўҳат-саломатлик йили” муносабати билан марказ жонкуярлари яна бир хайрли юмушга қўл уришди. “Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак” шиори остида ўтказилган “Мен ҳеч кимдан кам эмасман” танловида Успенский номли мусиқа мактаби ва 101-эшитишда нўсонни мавжуд бўлган мактаб-интернатнинг ўқувчилари иштирок этишди.

—Бугунги тадбиримизнинг янада мароқли ўтишида “Камолот” ЁИХ маркази Кенгашчи ҳамда Аёлларни қўллаб-қувватлаш марказининг алоҳида кўмак берганлигини таъкидлаб ўтмоқчиман, — дейди “Soghlomlashtirish” нодавлат нотижорат миллий маркази раисининг ўринбосари Севарахон Турсунова биз билан сўхбатда. —Танловнинг асосий шартлари бўйича ҳар иккала махсус

таълим масканларининг иқтидорли ўқувчилари спортнинг шахмат, шашка турлари, бадиий хореографиянинг миллий ракс, расомчилик йўналиши бўйича эгаллаган билим ва кўникмаларини амалда намойиш этишди.

Кези келганда шунга айтиш жоизки, халқимизга хос бўлган беминнат саховатпешалик, ҳимояга мўҳтожлар дардига дармон бўлиш йўлида фаолият кўрсатаётган ушбу марказ жамоаси ўзининг иш кўламини кенгайтириш борасида бир қатор юмушларни режалаштириб кўйган.

Бир сўз билан айтганда, имконияти чекланган болажонлар ўртасида ўтказилган мазкур танлов уларнинг қалбида ҳаётга мўҳаббат, яшашга бўлган чексиз иштиёқ туйғуларини уйғотган бўлса ажабмас.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Рақм-баракм олам

МУЗЕЙ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНМОҚДА

Миср пойтахтининг қадимий қисмида жойлашган машҳур Коптс музейини қайта қуришининг иккинчи босқичи бошланди. Бу сафар юпқа қоғозларда битилган ноёб асарлар сақланадиган кутубхонани созлаш навбати келди.

Дастлабки қайта қуриш даврида музей биноси ва намойиш залларини кенгайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. 5 мингга яқин экспонат қайта тикланди. Намойиш этиладиган экспонатлар сони кўпайтирилиб, улар ҳозирги кунда 30 мингга етади. Бу ноёб тарихий асарларнинг аксарият қисмини қадимги хоналар ва дин вакилларининг буюмлари ташкил этади.

ЗАҲАРНИ ҚАЙТАРУВЧИ ШАРБАТ

Бразилия ҳиндулари заҳарли илон чақиб олса, дарҳол картошка поясини излаб қолишади. Айтишларича, картошка меваси сиқилиб, шарбати ичилса, илон заҳарини кесар экан.

Бу усул Америка қитъасида яшовчи ерлик аҳолига азалдан маълум бўлса-да, Эндилкида бразилиялик олимларни ҳам қизиқтириб қолибди. Уларнинг хабарларига кўра, кўплаб бразилиялик ҳиндулар хавф-хатардан осонгина қутулиб кетишар эмиш. Бунинг учун заҳарли илон чаққанда “картошка чай”дан ичиб юборилса бас. Бу табиблик сирини Перу ва Колумбия аҳолиси ҳам қадимдан маълум экан.

Олимлар оддий картошканинг шифобахс хусусияти билан боғлиқ бўлган яна бир қизиқ тафсилот ҳақида ҳам эслашиб ўтишган. Ҳалигача Лотин Америкасининг кўплаб мамлакатларида қариялар “четдан келган янги дорилар”нинг шифобахс-лигилигига ишонқирамай бош орғинан пайтларда паррак қилиб қирқилган картошкани чаккаларига қўйиб, даволанишар экан.

ЎТАКЕТГАН КЎПОЛ ЎҒРИЛИК

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида Марказий Осие давлатлари миллий хунармандлик ва халқ амалий санъати кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурдаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан Анвар Аҳрамович Махмамов номига берилган №183 сонли хизмат гувоҳномаси

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурдаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан Анвар Аҳрамович Махмамов номига берилган №183 сонли хизмат гувоҳномаси

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурдаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан Анвар Аҳрамович Махмамов номига берилган №183 сонли хизмат гувоҳномаси

Дуқмайт, янгилик!

ЯНГИ АССОЦИАЦИЯ ТУЗИЛДИ

Бугунги кунда Тошкентда “Имкон”, “Фин-акс-плюс”, “Капитал юнион”, “Осие траст” деб номланган кредит уюшмалари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг депозитив хизматлари омонат касса, мақсадли ва бошқалардан иборат бўлиб, мамлакатимиз молия тизимини ривожлантиришга ҳисса бўлиб кўшилмоқда.

Шу соҳа фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон кредит уюшмаси ассоциацияси ташкил топди. Қўрилган молиявий тадбир ҳуқуқий актиларини ишлаб чиқиш, кредит уюшмаларини рағбатлантириш, соҳа ходимлари малакасини ошириш, маркетинг тадқиқотларини ўтказишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Янги ассоциация халқаро кредит уюшмаси таркибига ҳам киритилди.

Акбар АЛИЕВ

Ўзбек ва Хитой тракторсозлари ўртасида шерикчилик асосида қатор техник жараёнлар амалга оширилмоқда. Зеро, “Тошкент трактор заводи” давлат акциядорлик жамиятининг Хитой Халқ Республикасидаги Тиньзип машинасозлик компанияси билан ҳамкорлик шартномаси бўйича Хитойда тайёрланаётган мини-тракторларни бутлашга киришилди.

Ҳамкорлик

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Шу мақсадда корхонада замонавий техник мосламалар билан жиҳозланган йirik участка бунёд этилди. Бу ерда Хитойдан келтирилган мўъжаз агрегатлардан 650 таси бутланиб, тайёр ҳолга келтирилди. Айни вақтда завод конструктор ва технологлари изланишлари орқали ҳар хил осма мосламалар намуналари юзага келди. Улар ўрнатилган мўъжаз тракторлар ёрдамида ғўзақатор ораларига ишлов бериш, ерларни уғитлаш каби механизация ишларини олиб бориши мумкин.

Озод АББОСОВ

Марғилонлик тўқувчи уста Турғунбой Мирзааҳмедов, риштонлик кулол Алишер Назиров каби номдор хунарманд сулолалар вакилларининг махсулотлари нафислиги ва сержилолиги билан нафақат юртимиз санъатсеварлари, балки хорижий муҳлисларга ҳам яхши таниш.

Кўргазмада Марказий Осие мамлакатлари дизайнлари яратган миллий либослар ҳам намойиш этилди.

ЎзА

АМАЛИЙ САНЪАТ БУЮМЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида Марказий Осие давлатлари миллий хунармандлик ва халқ амалий санъати кўргазмаси бўлиб ўтди.

Икки кун давом этган кўргазмада санъат шайдолари Марказий Осие минтақаси мамлакатларининг кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, каштачилик, заргарлик, гиламдўзлик, миллий

матолар тўқиш каби кўплаб миллий хунармандлик намуналари билан танишиш имконига эга бўлдилар.

Кўргазманинг очилишида юртимизда миллий хунармандлик ва халқ амалий

санъати илдизлари кўп асрлик тарихга эга экани, истиқлол йилларида бу соҳа ривожига алоҳида эътибор берилганлиги, «Устоз-шогирд» каби умрбоқий анъаналаримиз тиклангани таъкидланди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТУЗАТИШ

Газетанинг 11 ноябрдаги сонидан берилган автотранспорт воситаларининг ким ошди савдосини ўтказиш тўғрисидаги эълоннинг «Савдода» сўзи билан бошланадиган хатбошиши қуйидагича ўқилсин:

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ҳафта-нинг душанба, chorshanба, жума кунлари соат 12.00 дан 18.00 га қадар ишчи гуруҳи вакиллари томонидан амалга оширилади ва ким ошди савдоси ўтказилишидан 3 кун аввал тўхтатилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурдаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан Анвар Аҳрамович Махмамов номига берилган №183 сонли хизмат гувоҳномаси

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар ДИҚҚАТИГА!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

Спорт

**ЮТУҚЛАР
САЛМОҒИ
ОРТМОҚДА**

Ўзбекистон Ногиронлар спорт ассоциацияси нодавлат, нотижорат жамоат ташкилоти бўлиб, ўз иш фаолиятини Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда ҳомийлар маблағи ҳисобига юртади. Ассоциация фаолияти ногиронларнинг соғлигини тиклаш, инсонпарварлик ва меҳр-шафқат гоҳларига, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, шифокорлар, мураббийлар, спортчилар, педагоглар, жамоатчилик вакиллари ва давлатнинг бу борадаги ҳаракатларини бирлаштириш, халқро ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш йўли билан иқтисодий мослаштириш соҳасида инсонпарварлик фаолиятини амалга оширишдан иборатдир.

2002 йилда Ўзбекистон Ногиронлар спорт ассоциацияси Халқро Паралимпия кўмитасига аъзо бўлиб, Ўзбекистон Миллий Паралимпия кўмитаси деб тан олинди ва халқро миқёсдаги мусобақаларда иштирок этиш ҳамда овоз бериш ҳуқуқини кўлга киритди. 2004 йил Грецияда ўтказилган 12- Паралимпия ўйинларида биринчи мартаба Ўзбекистон спортчиси Юсуф Қудиров қатнашди ва муваффақ бўлди.

Жорий йилда ассоциация томонидан бир қатор мусобақалар, жумладан, кар ва кўзи оғир спортчилар ўртасида шахмат-шашка бўйича, кар спортчилар ўртасида стол тенниси бўйича, ногирон спортчилар ўртасида сузиш бўйича, «Сихат-саломатлик йили» дастури бўйича махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари ўртасида Республика ва шаҳарий биринчиликлар ва биринчи мартаба спортнинг пауэрлифтинг тури бўйича Республика чемпионати ўтказилди. Стол тенниси бўйича сентябрь ойида Италиянинг Жесоло шаҳрида ўтказилган Европа чемпионатида ҳам Ўзбекистон делегацияси иштирок этди.

«Олимпия шон-шўхрати» музейида Ўзбекистон Миллий Паралимпия ассоциациясининг куни кеча бўлиб ўтган аниқламани ҳам олиб бориладиган аниқ шундай самарали ишлар, эришилган ютуқлар яна бир бор тилга олинди.

Унда сўзга чиққан ассоциация президенти Умид Аҳмаджонов ногиронлар спортини ривожлантириш борасида республика миқёсда амалга оширилаётган ишлар ҳусусида алоҳида тўхталиб ўтди. Ийналишда энг меҳратли, халқро мусобақаларда муваффақиятларга эришиб келадиган ногирон спортчиларга совғалар топширилди.


Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари Алишер Шарафиддинов Ўзбекистон Миллий Паралимпия ассоциациясининг фахрий президенти этиб сайланди.

(Ўз мухбиримиз)

«Тошшаҳарйўловчтранс» акциядорлик компанияси жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими, собиқ Ўзбекистон Республикаси Автомобиль транспорти вазир, меҳнат фахрийси

**Александр Фадеевич
ГАВРИЛОВНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.



Икки кун давом этган II-махсус олимпия ўйинларида юртимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон ва Россиядан келган 350 нафардан зиёд спортчи энгил атлетика, стол тенниси, баскетбол ва футбол турлари бўйича куч синнашди.

Кескин ва муросасиз кечган баскетбол баҳсларида Россия ва пойтахтимиздаги 60-мактаб жамоаси ўз гуруҳида голиб чиқди. Стол тенниси бўйича ҳамюртларимиздан ташқари, Қозоғистон, Туркменистон вакиллари кўли балан келди. Футбол бўйича ташкил этилган мусобақаларда Тошкент шаҳридаги 105-интернат, 87-мактаб ва Самарқанд жамоаси вакиллари ўз гуруҳида зафар кўчди.

Энгил атлетика беллашувлари ҳам қизиқарли курашларга бой бўлди. Унда жойида туриб узунликка сакраш бўйича ўғил болалар ўртасида тожикистонлик У.Абдуллаев, қозоғистонлик Р.Баранбоев, сирдарёлик Д.Зенин, навойийлик И.Парафидин ва пойтахтлик Р.Мелодиев ўз гуруҳида биринчи ўринни кўлга киритди. Қизлар ўртасида пойтахт вакиласи С.Раҳматуллаева, М.Олимбекова, самарқандлик Б.Расулова ҳамда қашқадарёлик С.Бегнаевага тенг келадигани топилмади.

50 метрга югуриш бўйича ўғил болалар ўртасида беллашувларда Қозоғистон вакили Н.Туржонов, тошкентлик В.Жанашви-

қадарёлик С.Бегнаева тенгқурларидан ўзиб кетди.

200 метрга югуриш бўйича ўтган баҳсларда қирғизистонлик Самад Буваев марказий Осиё давлатларидаги биринчи тенгқурларидан ўзиб кетди.

Югуриб келиб узунликка сакраш машқларида олтин медаллар Қирғизистон жамоаси вакилларига насиб қилди. Ядро улоқтириш бўйича эркаклар ўртасида тошкентлик Д.Греков ва навойийлик И.Панафидин шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Қизлар ўртасида Навойи вилояти вакиласи Ф.Абдуллаева, андижонлик К.Фоменко ўз гуруҳида барча рақибларини мағлубиятга учратди.

**Қаҳрамон ҚАРШИЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ**

СУРАТЛАРДА: Марказий Осиё давлатлари II махсус олимпия ўйинларидан лавҳалар.

**Муҳаммад Амин (ЎЗА)
олган суратлар.**

2005 — Сихат-саломатлик йили

**II МАХСУС ОЛИМПИА
ЎЙИНЛАРИ ЯКУНЛАНДИ**

Пойтахтимизда ақли заиф ва имконияти чекланган болалар ўртасида Марказий Осиё давлатларининг II-махсус олимпия ўйинлари якунланди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар ва Миллий олимпия кўмиталари, «Sen yolg'iz emassan», «Меҳржон», «Соғлом авлод учун» ва Халқ таълими вазирлиги ҳузуридagi Болалар спортини ривожлантириш жағмармалари ҳамкорлигида ташкил этилди.

ли ва А.Сидоров галаба қозонган бўлса, қизлардан тожикистонлик М.Қаюмова, сирдарёлик С.Малаханова ва пойтахтлик М.Олимбекова ўз гуруҳида барча рақибларини доғда қолдирди.

100 метрга югуришда қирғизистонлик С.Гулаев, тошкентлик Д.Греков, сурхондарёлик О.Қурбонов, сирдарёлик Д.Зимин ва бухоролик С.Ахматов марра чизигига биринчи бўлиб етиб келди. Қизлар ўртасида Қирғизистон вакиласи А.Запранова, андижонлик К.Фоменко, самарқандлик Б.Расулова ва қаш-

қадарёлик С.Бегнаева тенгқурларидан ўзиб кетди.

200 метрга югуриш бўйича ўтган баҳсларда қирғизистонлик Самад Буваев марказий Осиё давлатларидаги биринчи тенгқурларидан ўзиб кетди.

Югуриб келиб узунликка сакраш машқларида олтин медаллар Қирғизистон жамоаси вакилларига насиб қилди. Ядро улоқтириш бўйича эркаклар ўртасида тошкентлик Д.Греков ва навойийлик И.Панафидин шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Самбо

Шаҳримиздаги «Динамо» спорт-соғломлаштириш жамиятида самбо, дзюдо, эркин ва юнон рум кураши каби аққакураш турлари кенг ривожланган. Бу ерда мазкур спорт турлари бўйича иқтидорли спортчилар етишиб чиқмоқда. Шунинг баробарида тез-тез турли мусобақалар ўтказилиб турилади.



**ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ
БЕЛЛАШДИ**

Жумладан, куни кеча «Динамо» жамияти спорт залида самбо бўйича Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда юзга яқин спортга ошно осойишталик посбонлари иштирок этишиб, ўз куч-маҳоратларини кўрсатишди. Турнир сакизта вазн тоифаси бўйича ташкил этилиб, бош бошқарманинг ҳар бир бўлинмаси ўз жамоаси билан қатнашди.

Баҳслар кескин ва муросасиз ўтди. Рақибларнинг бир-бирларига ҳурмат билан ёндошушларидан уларнинг илгари машгулотларда бирга қатнашишгани, фаолиятлари юзасидан ўзаро ҳамфикр бўлишгани сезилиб турди.

Шундай қилиб, финал баҳсларидан сўнг қуйидагилар биринчилик ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олишди. 52 ва 57 килограммга булган энг энгил вазнларда И.Ли ва

Р.Давляев (иккови шаҳар Ёнғиндан муҳофаза қилиш бошқармасидан), 62 килограммга вазнда Ш.Жолдасбеков (шаҳар ИИББ), 68 килограммга самбочилар ўртасида А.Рустамов (Собир Раҳимов тумани ИИБ), 74 килограммга полвонлар ўртасида Ж.Файзиев (патрул-пост хизмати). Қолган вазнларда эса Шайхонтохур тумани ИИБ, шаҳар ИИББ ва патрул-пост хизмати вакиллари Ш.Ахметов, А.Савобов, Ф.Бурановлар зафар кўчишди.

Умумжамоа ҳисобида патурул-пост хизмати вакиллари биринчи, ёнғин хавфсизлиги бошқармаси спортчилари эса иккинчи ўринни эгаллашди. Фолиб ва совриндорларга эсдалик совгалари ва Фахрий ёрликлар топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: мусобақадан лавҳа. Атақда Попов олган сурат

Мунажжим башорати

**ЯКИНЛАРИНГИЗ
ЁРДАМИГА ТАЯНИНГ
16 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА**

Бугун мураккаб вазиятга тушиб қолганлар дўстлари, тенгдошлари ва яқин кишиларига ёрдам сўраб мурожаат қилишлари нуқул ай аҳволдан чиқиб кетишни осонлаштиради. Мунажжимлар таклифи шундай.

Янги ишларни бошлаш бугун (соат 16 гача) гоёт хайри бўлади. Ҳар қандай ўқув жараёни, соғломлаштириш ёки жисмоний машқлар туркумини бошлаб юбориш ҳам самарали бўлиши кутулади.

Бугун ҳам аввалгидай тақдир аломатларига эътиборли бўлиш ва шу орқали ҳаётдаги вазифангизни аниқлаб олишга интилишингиз керак экан. Сизни ҳайратлантирадиган ҳар қандай кутулмаган ҳодиса ёки нарсга хайри бўлади. Кўшининг чарқаб туриши ҳам яхшиликка. Ойнинг синиши, кийимнинг йиртилиши ёки калитнинг синиши нохушлик аломатлари ҳисобланади.

Мазкур кечада кўрадиган тушларингиз башоратли бўлиб, уларни эслаб қолинг ёки ёзиб қўйинг. Нафас йўллари ва асаб тизими бугун хасталикларга мойил бўлади.

Кийим-кечақлардан ёрқин ранглилари, яшилликка мойил либослар бугунги кун руҳига мос бўлади. Қорамир ва ранги ўчган кийимларингизни узоқроққа суриб қўй туринг.

ЧОРШАНБА МАСЛАХАТЛАРИ:

- одатий, кундалик ишлар билан банд бўлиш;
- чапдастлигингиз ва оқилона фикр юрғута олишингизни намоян этиш;
- моддий ва техникавий муаммоларни бартараф этиш.

Осон кўлга киритиладиган омаддан, айниқса муҳаббат бобидаги «бахт»дан узоқроқ бўлишга интилинг.



Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳақми — 2 босма табоқ офсет усулчи босилди.
2495 нускада босилди. Қирғиз бирини А-3

**Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.**

*Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Навр кўрсаткичи — 563

Нашрирн етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компанияси марказида терилди ва саҳифланди.

«Шар» нашрий-матбоа оиддорлик компанияси босмоқдонди.
Қорхона манзили «Буёқ Турон» кўчаси, 41-ўй.